

# **ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ**

**Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси**

**Ахмедова Насиба Ачилловна, педагогика ва психология йўналиши**

**1-босқич магистранти Ахмедова Фотима Хуррамовна**

**Аннотация:** Ушбу мақола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиб, Олий таълими муассасалари илмий ва инновацион фаолиятининг мазмун моҳияти ва рақамли иқтисодий шакллантиришдаги аҳамияти масалаларига қаратилган. ОТМда таҳсил олаётган магистрлар ва бакалаврлар орасидан иқтидорли ва салоҳиятли номзодларни излаб топиш ва уларни келгуси даврлардаги илмий, инновацион ва тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаб бориш масалаларига боғлаб ёритилган.

**Таянч сўзлар:** илмий ва инновацион, жараён, техник-технологик тараққиёт фикр, ғоя, қараш, фан, технология, фаол ўқитиш, муаммоли таълим, илмий мақола, монография, доклад, илмий-амалий конференция, семинар, форум, кўргазма, креатив.

Мамлакатимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан баркамол интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга мос таълим-тарбия олиб боришга боғлиқ ва бунга мустақил Республикамиздаги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланиши, фан-техника ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг таълим-тарбия соҳасига кенг жорий этилиши асос бўлмоқда. Бу асослар ўз Ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири даражасигача кўтарди.

Олий таълим муассасасида илмий ва инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни ривожлантириш даражаси кўп жиҳатдан фан ва иқтисодий реал секторининг интеграциялашуви даражасини, бу ўзаро ҳамкорликнинг шаклини белгилаб беради, олий таълим мутахассисларининг компетентлилик хусусиятларига ва якуний ҳисобда уларга талабнинг кучлилигига таъсир кўрсатади.

Бунда талабаларга таълим беришдаги урғу билимларни истеъмол қилишдан фикрлашнинг мустақил ташаббускор типини шакллантиришга, бўлажак битирувчи-мутахассиснинг ижодий илмий салоҳиятини ривожлантиришга олиб ўтилади. Бу шу билан боғлиқки, мустақил илмий иш

жараёнида талаба одатдаги тартибда ўқиш жараёнидагига караганда реалликнинг ҳар хил томонлари билан тўқнаш келади, бу эса уни илмий муаммоларни аниқлашга, уларни ҳал қилиш йўллари топишга ва тадқиқ қилинаётган ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ривожланиш йўналишларини белгилашга ундайди.

Тасдиқлаш мумкинки, илмий-тадқиқотчилик фаолияти илмий фаолликнинг бошқа шакллари фаоллаштиради, илмий-инновацион йўналишларда фаолият олиб боришнинг доирасини кенгайтиради.

Буларнинг барчаси олий таълим муассасасида олиб борилаётган илмий-тадқиқотчилик ишлари даражасининг ривожланиши учун қуйидаги шарт-шароитларни яратиш заруратини белгилайди:

- илмий ходимларни тайёрлаш сифатини ва амалга оширилаётган илмий-техник чора-тадбирларнинг даражасини ошириш;

- олий таълим муассасалари талабалари ва докторантлари ҳисобига ёш истиқболли кадрларни мустаҳкамлаш йўли билан олий таълим муассасасининг илмий-инновацион салоҳиятини жамғариб бориш;

- илмий ва инновацион фаолият натижаларини долзарблаштириш ва тижоратлаштириш;

- халқаро, миллий ва ОТМ лараро илмий-тадқиқотчилик дастурлари ва грантларда фаол иштирок этиш ва шу кабилар.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, олий таълим муассасасининг кафедраларида амалга ошириладиган илмий ва инновацион ишланмалар ҳамда тадқиқотлар натижалари якуний ҳисобда ўқув-методик материалларга айланади ва таълим жараёнига жорий қилинади. Мана шундай қилиб, бу бакалаврлар, магистрлар ва докторантларнинг тайёргарлик сифатини оширишнинг ҳаракатчан ва таъсирчан методига айланади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасасида илмий ва инновацион фаолиятни самарали бошқариш ОТМ раҳбариятининг барча бошқарув бўғинларида устувор вазифа бўлиб қолади ва ўз ичига қуйидагилар учун илмий ҳамда инновацион жараёнларни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва фаоллаштиришни олади:

- бутун олий таълим муассасаси учун;

- олий таълим муассасасининг тузилмавий бўлинмалари учун;

- ОТМ кафедраларидаги профессор-ўқитувчилар таркиби учун;

- ОТМ докторантлари ва талабалари учун

Кафедра томонидан олиб бориладиган илмий-инновацион фаолиятни бошқариш ўз ичига қуйидагилари олади:

- кафедра профессор-ўқитувчилари таркибининг илмий-инновацион ишлари режасини тузиш ва илмий-инновацион ишлар режасини ишлаб чиқиш;

- илмий-инновацион ишларни бажариш учун хўжалик шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва ижро этиш;

- илмий мақолалар, монографиялар, тўлиқ матнли докладларни тайёрлаш ва уларни расмий нашрларда чоп эттириш;

- илмий ва илмий-амалий конференцияларни, семинарларни, форумларни, кўргазмаларни, кафедра фаолияти бўйича танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

- илмий-инновацион дастурларда, грантларда иштирок этиш;

- мамлакатда ва хорижда ўтказиладиган илмий-техник ва инновацион чора-тадбирларда қатнашиш;

- диссертацион кенгашлар ишида иштирок этиш;

- илмий-инновацион лойиҳаларни режалаштириш ва ташкил этиш;

- магистрлик таълим дастурлари ва докторантура дастурлари доирасида илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш;

- илмий ва инновацион тадқиқотлар натижаларидан таълим жараёнида фойдаланиш;

- илмий-методик ишларни олиб бориш.

Кафедранинг илмий ва инновацион фаолиятини ташкил этиш ҳам кафедра аъзолари таркибидан, ҳам ОТМ нинг бошқа тузилмалари ва четдан жалб этиладиган мутахассислар ҳисобига ижодий жамоалар ташкил этилишини кўзда тутди. Бунда энг самарали жамоа бўлиб нафақат профессор-ўқитувчилар, балки докторантлар ва талабалар ҳам иштирок этадиган жамоалар ҳисобланади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, олий таълим муассасасидаги илмий ва инновацион фаолиятни бошқаришда раҳбарларнинг асосий функцияси бўлиб интегратив функция саналади. Шунинг учун ўз ваколатларини лозим бўлганда бошқа малакаси юқори бўлган мутахассис-ходимга ўтказиб, ўз зиммасидаги ортиқча юкламадан халос бўлиш эндиликда самарали бошқарувнинг асосий белгиларидан бирига айланиб қолди. Муаммоларни таҳлил қилиш, зарур бўлган ахборотларни тўплаш, маълумотларни қайта ишлаш, дала тадқиқотларини амалга ошириш жараёнларига докторантлар ва юқори курс талабаларини жалб қилиш яхши самара беради.

Ҳозирги вақтга келиб мамлакатимиз олий таълим тизимида магистрлик тайёрлов йўналишига катта эътибор берилаётганлигини ҳисобга олиб, олий таълим муассасасида илмий ва инновацион фаолиятнинг келгусидаги захира манбаларини яратиш учун магистрлик илмий-инновацион тадқиқотлари ва изланишларига алоҳида диққат қаратиш лозимдир. Айнан мана шу сабабдан магистрларни тайёрлашдаги компетентлилик ёндашуви магистрлар томонидан айрим билимлар ва маҳоратни ўзлаштириб олишни эмас, балки уларнинг мажмуавий тарзда эгаллашни, яъни, тизимли фикрлашни шакллантириш, ўқитилувчанлик, интеллект, салоҳият ва креативлик каби қобилиятларнинг шакллантирилишини кўзда тутди. Бу йўлда ҳозирги кунга келиб элитавий мутахассис (магистр) моделини шакллантиришга уринишлар амалга оширилгандир.

Кенг маънода мутахассис модели деганда биз мутахассиснинг касбий, ижтимоий-психологик, креатив ва шахсий сифатларини тушунамиз, бунда улар мутахассиснинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолдаги натижаларга эришиш билан бозор муносабатлари шароитларида меҳнат қила олишга қобиллигини белгилаб беради. ОТМ нинг келгусидаги

илмий-инновацион фаолияти захираси сифатида магистрлик тайёргарлиги тизимини такомиллаштиришнинг кўплаб йўналишларидан бири сифатида юқори илмий салоҳиятга эга бўлган ва ривожланган креатив сифатларни ўзида намоён қила оладиган иқтидорли талабаларни излаб топиш ҳисобланади. шуларни эътиборга олиб магистрлик тайёргарлиги дастурлари ўз ичига таълим блокларининг қуйидаги - анаъанавий таълим; касбий таълим; илмий фаолият; педагогик фаолият типларини олади.

Гарчи, ўқув материалларни етказиб беришнинг трансляцион шакли зарурлиги ва магистрлик тайёргарлигида у муқаррар эканлигига қарамасдан, айнан илмий ва педагогик фаолият билишнинг фаол услуги туғилишини белгилаб беради – бундай шароитларда талаба янги билим ва ечимларни ўзи мустақил топишга ҳаракат қилади ва натижада унинг салоҳияти юзага чиқади.

Магистрлик тайёргарлиги катта ҳажмли илмий тажрибавий ишнинг бажарилишини талаб этади, бу эса шуни англатадики, эндиликда магистр учун нафақат жараёни тушуниш, балки тадқиқотнинг илмий методларини қўллаш, олинган илмий натижаларни талқин қила олиш зарур бўлиб қолади.

Бундан ташқари, магистр эндиликда ўзи амалга оширган ишнинг илмий ва амалий аҳамиятлилигини кўрсатиб бериши лозим бўлади.

Шундай қилиб, магистрларни тайёрлаш йўналиши илмий ғоядан илмий тажрибаларга ва ундан илмий-тадқиқотчилик ишининг амалий аҳамиятлилигига қараб боради. Магистрларни тайёрлашнинг вазифаси шундан иборатки, бунда магистр қуйидаги қобилиятларнинг барқарор хусусиятларига эга бўлиши лозимдир:

1. Ғояни лойиҳалаштириш даражасида – ижодий вазифани шакллантириш, муаммони кўра билиш.

2. Ғояни амалга ошириш даражасида – муаммоли илмий вазифани ҳал қила билишга, баҳолашнинг илмий мезонларини ишлаб чиқа билишга ва ечим вариантларини таҳлил қила билишга қобилликни орттириш.

3. Яқуний ечим даражасида – белгиланган мақсадга эришиш бўйича илмий фаолиятни рационал равишда ташкил эта билиш.

Бундан ташқари, олий таълим муассасасининг илмий ва инновацион фаолиятининг келгуси захираларидан яна бир манбаси сифатида бакалавриат йўналишида таҳсил олаётган талабаларга ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратиш лозимдир. Исталган ҳар қандай фаолият сингари талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ҳам мажмуавий тарзда бошқариш зарур бўлади. бунда эса талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини режалаштиришни қуйидагилардан иборат тарзда амалга ошириш керак деб ҳисоблаймиз:

а). талабаларнинг ОТМ нинг илмий-инновацион фаолиятида иштирок этишларининг меъёрий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

б) кафедларнинг талабалар ҳам иштирок этишлари кўзда тутиладиган илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг конкрет мавзулари ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг истиқболли йўналишларини белгилаш;

в) ОТМ нинг тузилмавий бўлинмалари бўйича талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари режасини ишлаб чиқиш;

г) талабаларнинг индивидуал машғулотларни, илмий секциялар, тўғаракларни олиб бориш, кафедрадаги илмий-тадқиқотчилик ишлари мавзуси бўйича илмий ишлар танлови ўтказилишини режалаштириш;

д) талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари учун грантлар ва танловлар мониторинги асосида ОТМ нинг илмий-инновацион фаолиятида талабаларнинг иштирокини фаоллаштиришни режалаштириш.

Талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишларини ташкил этиш деганда талабаларга илмий-методик ёрдам кўрсатишга ва талабаларнинг илм-фан билан мустақил шуғулланишлари учун моддий-методик таъминотни яратишга йўналтириладиган ОТМ нинг барча бўлинмалари фаолиятини камраб олувчи чора-тадбирлар тизими тушунилади ва уларга қуйидагилар киритилади:

- талабаларни бошқарув муаммоларини илмий тадқиқ қилиш методларига ўргатиш;

- талабалар томонидан назарий материалларни кетма-кетликда ўрганишнинг, илмий ривожланишнинг интеллектуал асосларини шакллантириш учун ўқув режасидаги ўқув фанлари бўйича амалий ва мустақил ишларни бажаришнинг яхлитлиги ва дидактик асосланганлиги;

- талабаларнинг билишга доир ва илмий фаолиятини ташкил этишнинг шакллари, усуллари ва методларидан дидактик ва мқсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш;

- фаол ўқитишнинг муаммоли ва бошқа шаклларида фойдаланиш асосида талабаларнинг ижодий мустақиллигини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш;

- профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг зарурий алоқаларини амалга ошириш;

- талабаларга илмий-тадқиқотчилик ишларини амалга оширишда методик ва амалий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш;

- талабаларнинг диққатини илмий асослаш ва ҳал қилишни талаб этадиган долзарб масалаларга қаратиш;

- илмий дунёқарашни шакллантириш ва қўллаб-қувватлашга имкон берувчи очиқ илмий муҳитни яратиш;

- талабаларнинг индивидуал қобилиятлари, қизиқишлари ва мойилликларини ҳисобга олиш билан вақт бюджетини тўғри тақсимлашда айрим талабаларга методик ёрдам кўрсатиш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари тузилмаси ва ҳажмини ҳамда уларнинг келгусида илмий асосланган ҳолда тузатиб борилишини тизимли ўрганиб бориш.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишларини ташкил этиш шаклларида қуйидагилар киритилади:

- талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик ишларини бажариш жараёнларида иштирок этишлари;

- махсус конструкторлик, ишлаб чиқариш, техник, технологик бюроларда, илмий тўғаракларда олиб бориладиган ишларда талабаларнинг қатнашишлари;

- талабаларнинг илмий конференциялар, семинарлар ва давра столларида иштирок этишлари;

- илмий газета-журналларда, докладлар тўпламларида, конференциялар тезислари ва материалларида талабалар мақолаларини чиқариш;

- талабаларнинг турли хил танловларда (олий ўқув юртидаги, минтақавий ва халқаро танловларда) иштирок этишлари;

- илмий стажировка ва тажриба алмашишга талабаларни ҳам жалб этиш.

Юқорида билдириб ўтилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, олий аълим муассасаларининг илмий ва инновацион фаолиятининг келгуси даврдаги ривожланиши айти пайтларда ОТМ да тахсил олаётган магистрлар ва бакалаврлар орасидан иқтидорли ва салоҳиятли номзодларни излаб топиш ва уларни келгуси даврлардаги илмий, инновацион ва тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаб бориш самарадорлигига боғлиқ бўлади.

#### **Адабиётлар руйхати**

1. Резник, С. Д. Управление кафедрой: учебник. – М.: Инфра–М, 2011. – 640 с. – ISSN 1609-1442 .

2. Выходцева, Е. А. Управление научно–исследовательской деятельностью студентов / Е. А. Выходцева, М. Н. Гусева // «Студенческая наука» секция «научный потенциал студенчества – университету. Взгляд через поколения»: материалы IX Межвузовской научно–практической конференции. – М.: ГУУ, 2014. – № 1. – 323 с. ISSN 1991-5497.

3. Тўрақулов Х.А., Камолова Ш.Ў. Талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришнинг узлуксизлиги // Ёшлар дунёқарашини ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Қўқон: ҚДПИ, 2007. – Б. 99-101.

4. Тўрақулов Х.А., Камолова Ш. Ёшларга миллий тарбиямиз асосларини сингдириш кетма-кетлиги // Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг вазифалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 1 қ. – Б. 277-280.

5. Камолова Ш., Пўлатова Н. “Авесто” ва ёшлар дунёқарашини // Бошланғич таълимда инновацион технологлар: муаммолар, ечимлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2006. – 1 қ. - Б. 103-105.